## Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

## Хоразм илмий-тажриба станцияси

# 2020 йилда илмий-амалий ва ишлаб чиқариш ҳамда молиявий фаолияти якунлари бўйича ҲИСОБОТИ

Урганч 2020 йил

# ИТС ходимлар таркиби

- Илмий-тажриба станциясида битта Ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўлими фаолият кўрсатмоқда.
- Илмий-тажриба станциясида жами 4 нафар илмий ходимлар фаолият кўрсатади, шундан 1 нафари фалсафа доктори, 1 нафар фан номзоди, 1 та илмий ходим ва 2 та кичик илмий ходимлардир.

# 2019 йилда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларига ажратилган маблағлар

- 2018 йилда бевосита 1 та амалий лойиҳа (ҚХ-А-ҚХ-2018-162) учун 147567,0 минг сўм, хамда ПСУЕАИТИ билан ҳамкорликда 2 та амалий лойиҳаси (ҚХ-А-ҚА-2018-158) учун 10000,0 минг сўм (ҚХ-А-ҚХ-2018-148) учун 1000,0 минг сўм ажратилган бўлиб, ушбу маблағлар 100% ишлатилди. Уруғлик ҳисобидан (устама маблағлар) янги навларни яратаётган ходимлар ва хизматчиларга 116450,58 минг сўм, моддий техника базасини ривожлантиришга 116450,58 минг сўм маблағ ажаратилди.

# Илмий тадқиқот тажрибалари

**2019 йилда ўтказилган тажрибалар**

Амалий лойиҳалар

ҚХ-А-ҚХ-2018-162 (раҳбари - Х.А. Ибрагимов)

ҚХ-А-ҚА-2018-158 (раҳбари- қ.х.ф.ф.д., С. Алланазаров )

ҚХ-А-ҚХ-2018-148 (раҳбари- қ.х.ф.ф.д., М. Авлиякулов )

## АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ ЛОЙИҲАСИ

# ҚХ-А-ҚХ-2018-162, “Хоразм вилояти шароитига мос ғўзанинг эртапишар, серҳосил, юқори тола сифатига эга бўлган дурагай ва тизмалар асосида янги навлар яратиш ҳамда юқори кўрсаткичга эга бўлганларини Давлат нав синовига тавсия қилиш”

**Лойиҳа раҳбари, б.ф.н.: Х.А. Ибрагимов**

# Олинган асосий натижалар

- **2019** йилда бошланғич ашё, биологик, селекцион, синов кўчатзорларида юқори кўрсаткичга эга бўлган нав ва тизмалар ҳамда Давлат нав синаш комиссияси грунт назоратига тақдим қилишга режалаштирилган Т-**1509-01,** Т-**1509-02,** Т-**2012-04** ва Т-**2012-05** тизмалари синаб ўрганилади. Янги тизмаларнинг уруғликка кўпайтириш ишлари олиб борилди.
- Донорлик имконияти юқори бўлган нав ва эколого-географик узоқ шаклли коллекция намуналари билан дурагайлаш ва танлаш ишлари олиб борилади. Илгари олинган дурагайларнинг **$F_1$, $F_2$, $F_3$** ва ундан юқори бўғинида морфохўжалик белгилари тадқиқ қилинди.
- Биологик, селекцион, синов кўчатзорларида фенологик кузатувлар ўтказилиб, уларнинг эртапишарлиги, ҳосилдорлик кўрсаткичлари қиёсий баҳоланади. Лаборатория шароитида толанинг технологик кўрсаткичлари тахлил қилинди. Юқори кўрсаткичга эга бўлган янги СП-**41** нави Давлат нав синаш комиссиясига топширилди.

# Олинган натижалар

**2019 йилда селекция даласининг бошланғич ашё, биологик (F1, F2, F3 дурагай бўғинлари) ва селекцион кўчатзорлари учун олдинги йилларда олинган дурагайлар, шунингдек, конкурс нав синаш кўчатзорлари учун юқори кўрсаткичга эга бўлган Т-2012-04, Т-2012-05, Т-1509-01 ва Т-1509-02 тизмалари ҳамда андоза Хоразм-127 навидан иборат чигит намуналари 1,7 гектар майдонга экиб ўрганилди.**

**2019 йил тажрибаларда биологик кўчатзорларда F1 авлоднинг F1 [Хоразм-127×F1[Хоразм-127×F1 (012090×Порлоқ 2)]] × F1 [Порлоқ-2 × F1 [F5(Наманган-34× Парвоз) × F1 (Порлоқ 2 × 012090) ] ], F2 авлоднинг F2 [F5 (Наманган-34 × Парвоз) × F1 (Порлоқ-2 × 012090) ], F3 авлоднинг F3[Хоразм-127 × F1(012090 × Порлоқ-2)] мураккаб дурагай комбинацияларида юқори хўжалик қимматли ўсимликлар бошқа комбинацияларга қараганда кўпроқ намоён бўлди.**

# Олинган натижалар

**I- йилги селекция кўчатзорида F3 (Наманган-34 × Парвоз) × Гибискус + 011592 комбинациясининг куйидаги: № 11, 44, 47, 68, 71, 75 оилалари, шунингдек, Порлоқ-2× Гибискус + кат№ 011592 комбинациясининг № 254, 255, 257, 258, 275, 291 оилаларида морфохўжалик белгилари юқори эканлиги аниқланди.**

**II- йилги селекция кўчатзорида 012090 × А-1941 комбинациясининг № 30, 37, 44, 56, 71 оилалари, шунингдек, Порлоқ-2 × 012090 комбинациясининг № 65, 177, 181, 182, 184, 185, 185, 187, 188, 189, 192, 193, 195 оилаларининг толаси IV типга мансуб бўлиб, хўжалик белгилари жиҳатидан андоза навларга нисбатан бир қатор устунликларга эга бўлди. Ушбу оилалар толасининг узунлиги ўртача 34,0-36,2 мм, тола чиқими ўртача 38-40 % ва битта кўсакдаги пахта вазни ўртача 6,7-8,4 г. ни ташкил қилди. Порлоқ-2 × 012090 комбинацияси №182, № 185 ва № 188 оилаларида тола узунлиги ўртача 34,2-35,6 мм, тола чиқими ўртача 39,1-40,3 % ва битта кўсакдаги пахта вазни ўртача 6,8-7,2 г. ни ташкил қилди.**

# II йилги селекция кўчатзорида $F_5$ дурагай оилалари таснифи. 2019 йил.

| Оилалар рақами | Битта кўсагидаги пахта вазни, г | 1000 дона чигити вазни, г | Тола чиқими, % | Тола узунлиги, мм | Вегетация даври, кун | 15.09 санасида очилган кўсаклар сони, дона |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 012090 × А-1941 | | | | | | |
| 30 | 7,1 | 140 | 36,0 | 33,5 | 111 | 17,2 |
| 37 | 6,9 | 130 | 36,6 | 33,8 | 114 | 18,8 |
| 44 | 6,7 | 125 | 37,7 | 34,0 | 109 | 20,2 |
| 56 | 6,6 | 120 | 42,2 | 33,5 | 109 | 13,4 |
| 71 | 6,3 | 118 | 42,4 | 34,2 | 110 | 17,2 |
| Порлоқ-2 × 012090 | | | | | | |
| 65 | 6,7 | 120 | 37,2 | 35,0 | 103 | 22,3 |
| 177 | 7,0 | 125 | 36,8 | 35,0 | 111 | 14,8 |
| 181 | 6,9 | 121 | 39,4 | 34,8 | 108 | 20,6 |
| 182 | 7,2 | 135 | 39,2 | 34,5 | 110 | 19,6 |
| 184 | 6,7 | 120 | 42,2 | 35,5 | 109 | 21,7 |
| 185 | 6,8 | 118 | 40,3 | 34,2 | 108 | 20,5 |
| 187 | 8,4 | 140 | 36,0 | 36,0 | 117 | 9,6 |
| 188 | 7,2 | 120 | 39,1 | 35,6 | 110 | 18,4 |
| 189 | 7,3 | 125 | 36,2 | 34,0 | 109 | 18,7 |
| 192 | 7,5 | 120 | 40,3 | 35,0 | 111 | 16,4 |
| 193 | 7,6 | 135 | 36,4 | 34,0 | 112 | 20,1 |
| 195 | 8,0 | 140 | 36,0 | 36,2 | 116 | 8,7 |

# Олинган натижалар

Конкурс нав синовида ғўзанинг янги Т-1509-01, Т-1509-02 ва Т-2012-05 тизмалари андоза Хоразм-127 навига нисбатан эртапишарлиги, ҳосилдорлиги, битта кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими ва узунлиги бўйича устунликларга эга бўлди.

Назорат навга нисбатан 2018-2019 йилларда юқори кўрсаткичларга эга бўлган ғўзанинг янги Т-2012-05 тизмаси Идоралараро комиссия томонидан Давлат нав синаш коммисияси грунт назорати синовига топширишга тавсия этилди. Ушбу тизмага “СП-41” номи берилиб, 2020 йилда Давлат нав синаш коммисияси грунт назоратида синовдан ўтказиш учун хужжатлари расмийлаштирилди ва чигит намуналари топширилди.

**СП-41 нави**
**(Т-2012-05 тизмаси)**






# Янги СП-38 нави

**2019 йилда Интелуктуал мулк агентлиги томонидан патент берилди. Шунингдек, ушбу нав 2020 йилдан Хоразм вилояти учун истикболли навлар каторига киритилди.**

**Хўжалик белгилари:** Битта кўсакдаги пахтасининг вазни 6,5 г. Толасининг узунлиги 33,0–34,0 мм, толаси V - типга мансуб. Тола чиқиши 36,0–38,0%, 1000 дона чигитининг оғирлиги 120-125 г. Эртапишар(110-115 кун), биринчи теримнинг салмоғи юқори, ҳосилдорлиги 40-45 ц/га

# Янги тизмаларнинг хўжалик белгилари, 2019 йил

| Нав ва тизмалар | **Битта кўсагидаги пахта вазни, г** | **1000 дона чигити вазни, г** | **Тола чиқими, %** | **Тола узунлиги, мм** | **Вегетация даври, кун** | **Ўртача ҳосилдорлик, ц/га** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Хоразм-127** | 5,6 | 115 | 35,7 | 33,8 | 119 | 37,2 |
| **Т-1509-01** | 6,8 | 120 | 38,8 | 34,8 | 114 | 43,2 |
| **Т-1509-02** | 7,4 | 120 | 37,4 | 34,6 | 117 | 40,1 |
| **Т-2012-04** | 6,8 | 125 | 37,2 | 35,2 | 117 | 42,5 |
| **Т-2012-05** | 7,2 | 120 | 39,8 | 35,4 | 116 | 45,1 |

# Янги тизмаларнинг тола сифати, 2019 йил

| т/р | Нав ва тизмалар | Str (солиштирма узулиш кучи) | Len (тола узунлиги, дюйм ) | Unf (узунлик бўйича бир хиллик индекси, %) | Sfi (калта толалар индекси, %) | Elg (узилишдаги узайиш, %) | Rd (нур қайтриш коэффициенти, %) | B (сарғишлик даражаси, %) | Mic (микронейр) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Хоразм-127(St) | 32,6 | 1,17 | 84,5 | 3,7 | 7,8 | 78,9 | 7,8 | 4,7 |
| 2 | Т-1509-01 | 36,0 | 1,19 | 86,2 | 4,4 | 8,9 | 79,2 | 7,3 | 4,3 |
| 3 | Т-1509-02 | 34,7 | 1,17 | 83,5 | 3,8 | 8,1 | 80,5 | 7,9 | 4,6 |
| 4 | Т-2012-04 | 34,4 | 1,24 | 85,8 | 4,3 | 8,4 | 81,6 | 6,8 | 4,2 |
| 5 | Т-2012-05 | 36,0 | 1,22 | 85,2 | 4,1 | 8,2 | 81,3 | 6,9 | 4,3 |

# 2019 йилда чоп қилинган илмий ишлар

1. Каримов Р.,Ибрагимов Х. Ғўза экини агротехникаси ва заракунандаларга қарши кураш тадбирлари бўйича Хоразм вилояти фермер хўжаликларига тавсиялар // «Хоразм нашриёти», Урганч, 2019 й.
2. Ибрагимов Х., Каримов Р. *Hibiscus syriacus* L. ментори иштирокида олинган ғўзанинг $F_2$ дурагай авлод якка танловлари тола узунлиги ва чиқимининг вариацион қатори // Agro ilm журнали, №1[57] сон, 2019.  –Б. 4-5.
3. Ибрагимов Х. ва б. Ғўзанинг янги “СП-38” навига патент. Интеллектуал мулк агентлиги, №NAP 00242 26.12.2019 й.
4. Ибрагимов Х., Каримов Р. Ғўзанинг янги “СП-38”, “СП-40” ва “СП-41” навлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, №1 сон, 2020. –Б. 30.

O‘SIMLIKLAR NAVIGA

# PATENT

## ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI INTELLEKTUAL MULK AGENTLIGI**
**АГЕНТСТВО ПО ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**O'SIMLIK NAVIGA PATENT**
**ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ** **№ NAP 00242**

Ushbu patent O'zbekiston Respublikasining "Selektsiya yutuqlari to'g'risida"gi Qonuniga asosan quyidagi o'simlik naviga berildi:

Настоящий патент выдан на основании Закона Республики Узбекистан «О селекционных достижениях», на следующий сорт растения:

**«СП-38» ғўза нави**
**Сорт хлопчатника «СП-38»**

Talabnoma kelib tushgan sana:
Дата поступления заявки: **19.01.2018**

Talabnoma raqami:
Номер заявки: **NAP 2018 0001**

Ustuvorlik sanasi:
Дата приоритета: **19.01.2018**

Patent egasi (egalari):
Патентообладатель(и):
**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, UZ**
**Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, UZ**
**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Хоразм илмий-тажриба станцияси, UZ**
**Хорезмская научно-опытная станция Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, UZ**

O'simlik navi muallif(lar)i:
Автор(ы) сорта растения:
**Ибрагимов Хамза Аминбаевич, Каримов Равшанбек Аллаярович, Сайдалиев Хакимжон, Мухаммадиев Бахрам Уктамович, Урунов Ахмед, UZ**

Patent O'zbekiston Respublikasining barcha hududida 26.11.2019. yildan patentni kuchda saqlab turish uchun boj o'z vaqtida to'langandagina 20 yil mobaynida amal qiladi.
O'zbekiston Respublikasi o'simlik navlari davlat reestrida 26.11.2019 yilda Toshkent shahrida ro'yxatdan o'tkazilgan.

Патент действует на всей территории Республики Узбекистан в течение 20 лет с 26.11.2019 г. при условии своевременной уплаты пошлины за поддержание в действии.
Зарегистрирован в государственном реестре сортов растений Республики Узбекистан, в г. Ташкенте, 26.11.2019 г.

**Direktor**
**Директор** **Т. Абдусаттаров**

INTELLEKTUAL MULK AGENTLIGI

# ИТС га ёш кадрларни жалб қилиш

- Илмий-тажриба станцияда Урганч Давлат Университети билан ҳамкорликда дала ишлаб чиқариш амалиётлари йўлга қўйилган, шунингдек, 3 та магистрант ҳамда  2 та докторантлар диссертация мавзулари доирасида тажриба далаларида илмий изланишларини олиб боришмоқда. Уларга тажрибаларни услубий жиҳатдан тўғри олиб бориш ва мустақил кузатув тадқиқотларини олиб бориш кўникмаларини ҳосил қилиш учун яқиндан ёрдам берилди.
- Хоразм илмий-тажриба станциясида Илмий кадрларни тайёрлаш мақсадида бажарилаётган амалий ва инновация лойиҳалари тадқиқот тажрибаларига 2019 йилда 1 та ёш ходим Урганч Давлат Университети битирувчиси Э.Эгамов кичик илмий ходим вазифасига жалб қилинди.

## 2019 йилда илмий фаолият давомида йўл қўйилган камчиликлар

1. Лаборатория жихозлари, жумладан джин ускуналари жуда эскирган, деярли яроксиз холатга келиб колган.
2. Станцияда ғўза парвариши бўйича янги сув ва ресурстежовчи технологиялар кенг жорий этилмаяпти.

# 2020 йилда ушбу камчиликларни бартараф этиш чоралари

- - Джин ускуналарини сотиб олиш учун ҚХООТИИЧМ дан амалий ёрдам сураш.
- - Пахтачиликда эгилувчан қувурлар орқали, қатор ораларига қора плёнка тўшаб суғориш, бошқа ресурс тежовчи технологияларни кенг қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш ҳамда фермер хўжаликларига жорий этиш;

# 2020 ЙИЛГИ АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Илмий-тажриба станцияси умумий ер майдони **235,4** га, шундан суғориладиган экин майдонлари **136,1** гани ташкил этиб:

- Пахта **68,5** га,
- буғдой **19,6** га,
- эски беда **13,3** га,
- макка силосга **12,7** га,
- бир йиллик ўт (судан ўти) **1,7** га,
- Шоли **3,7** га майдонга экиб парваришланди.

## Пахта етиштиришнинг иқтисодий тахлили, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чоралари

- **2020** йил илмий-тажриба станциясида 68**,5** гектар майдонга пахта экилиб, режадаги **31,5** ц/га ўрнига **33,1** ц/га хосил етиштирилди. Режалаштирилган **215,8** тонна ялпи махсулот ўрнига амалда **226,8** тонна ялпи махсулот олишга эришилди. Режа **105,1**%га бажарилди. Жами харажатлар режада **581 млн 580 минг** сўм, хақиқатда **850 млн 199 минг** сўмни ташкил қилди. Бунинг асосий сабаби пахта терим пули режалаштирилган нархдан баланд бўлгани, теримчиларни олиб келиш ва кетиш учун автобус хизмати, минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материаллари, техника эхтиёт қисмларинг нархини ошиб кетиши натижасида таннархининг кескин ошишига олиб келди. Ялпи махсулот қийматиi режада **1038 млн 907 минг** сўм бўлиб, хақиқатда **1084 млн 658 минг** сўмни ташкил қилиб, соф фойда **234 млн 459 минг** сўмни ташкил қилди.

# Ғалла етиштиришнинг иқтисодий  тахлили, йўл қўйилган камчилилар ва уларни бартараф этиш чоралари

- Станция бўйича ҳақиқатда **19,6** гектар майдонга буғдой экилиб, режада гектаридан **35,0** ц/га бўлиб, хақиқатда **42,0** ц/га жами **78,8** тонна буғдой хосили олинди. Давлатга ғалла сотиш режада **58,8** тонна бўлиб, хақиқатда **63,1** тонна режага нисбатан **107,3%** га бажарилди. Буғдой хосили етиштириш учун  жами **84** млн **367** минг сўм харажат режалаштирилиб,  хақиқатда эса **116** млн **711** минг сўм харажат қилинди. Буғдой сотишдан **191705,0** минг сўм даромад олиниб, шундан **74994,0** минг сўм фойда олинди.
- Сомон **23,3** гектар майдондан олиш режалаштирилиб, хақиқатда **23,3** гектар майдондан, ялпи хосил **24,0** тонна, режага нисбатан **103,0**% бажарилди. Махсулот таннархи режада **2300,0** минг сўм бўлиб, хақиқатда **2400,0** минг сўмни ташкил қилди.

## Шоли етиштиришнинг иқтисодий тахлили, йўл қўйилган камчилилар ва уларни бартараф этиш чоралари

- Станция бўйича ҳақиқатда **3,7** гектар майдонга шоли экилиб, режада гектаридан **35,0** ц/га бўлиб, хақиқатда **39,2** ц/га жами **14,5** тонна шоли хосили олиниб, Давлатга **14,5** тонна шоли сотилди. Шоли сотишдан **28322,0** минг сўм даромад олиниб, шундан **9651,0** минг сўм соф фойда олинди.

## Беда пичани,  бир йиллик ўт (судан ўти)  етиштиришнинг иқтисодий  тахлили, йўл қўйилган  камчилилар ва уларни бартараф этиш чоралари

- Тажриба станциямиз чорва молларига, эски беда хақиқатда **13,3** гектар майдонни ташкил қилган.  Беда пичани **70** ц/гадан режалаштирилиб, хақиқатда **70,1** ц/гадан хосил олиниб ялпи хосил **93,2** тонна бўлиб режага нисбатан **100,1%**ни ташкил қилди. Махсулот таннархи режада **24366,0** минг сўм бўлиб, хақиқатда **24366,0** минг сўмни ташкил қилди.
- Бир йиллик ўт (судан ўти) режада **1,7** гектар бўлиб, хақиқатда **1,7** гектар майдонга экилди. Режада **200** ц/га бўлиб, хақиқатда **200,0** ц/гадан **100,0** %ни ялпи хосил **34,0** тоннани  (кўк масса) ташкил қилди. Махсулот таннархи **6052,0** минг сўмни ташкил ташкил қилди.

## Макка силоси етиштиришнинг иқтисодий тахлили, йўл қўйилган камчилилар ва уларни бартараф этиш чоралари

- Макка силоси режада **12,7** гектар бўлиб, хақиқатда **12,7** гектарга экилиб, режада хосилдорлик **190** ц/га бўлиб, хақиқатда **203,1** ц/гани ташкил қилиб, ялпи хосил **258,0** тоннани ташкил қилди. Махсулот таннархи режада **31566,0** минг сўм бўлиб, хақиқатда **34830,0** минг сўмни ташкил қилди.

## Ёш хосилга кирмаган боғ орасида полиз экинлари етиштиришнинг иқтисодий тахлили, йўл қўйилган камчилилар ва уларни бартараф этиш чоралари

- Режада полиз экинлари **7** гектар бўлиб, хақиқатда **7** гектар майдонга хосилга кирмаган боғ орасига сабзавот экинлари экилди. Хосилдорлик режада **100,0** ц/га бўлиб, хақиқатда **100,0** ц/га, ялпи хосил **70** тоннани ташкил қилиб, режага нисбатан **100,0** %ни ташкил қилди. Махсулот таннархи **6817,0** минг сўмни ташкил қилиб, Ялпи даромад **18260,0** минг сўм бўлиб, соф фойда **11443,0** минг сўмни ташкил қилди.
- Ёш янги хосилга кирган боғ хосилдорлик **10,0** ц/гани ташкил қилиб ялпи хосил **7** тоннани ташкил қилди. Махсулот таннархи **5310,0** минг сўмни ташкил қилиб, ялпи даромад **14696,0** минг сўм бўлиб, соф фойда **9386,0** минг сўмни ташкил қилди.
-

# Хоразм ИТСнинг 2020 йилда асосий ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиш таҳлили

| Кўрсаткичлар | | Экин тури | | | | | | | | | | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Пахта | Бугдой | Тре тика ле | Шоли | шу жумладан сомон | Поли з экини | Ёш боғ | Беда(пичан холда) | Беда уруги | Бир йиллик ут (кук масса) | Маккажухори силос учун | |
| Экилган майдон, га | режа | 68,5 | 19,6 | 2,6 | 3,7 | 23,3 | 7 | 7 | 10,3 | 3 | 1,7 | 12,7 | 136,1 |
| | хакикатда | 68,5 | 19,6 | | 3,7 | 23,3 | 7 | 7 | 13 | | 1,7 | 12,7 | 136,1 |
| Хосилдорлик, ц/га | режа | 31,5 | 35 | 25 | 35 | 10 | 100 | 10 | 70 | 1,5 | 200 | 190 | |
| | хакикатда | 33,1 | 42 | | 39,2 | 10 | 100 | 10 | 70,1 | | 200 | 203,1 | |
| Ялпи махсулот, тонна | режа | 215,7 | 69 | 6,5 | 13 | 23,3 | 70 | 7 | 93 | 0,5 | 34 | 241,3 | |
| | хакикатда | 226,8 | 78,8 | | 14,5 | 23,3 | 70 | 7 | 93,1 | | 34 | 258 | |
| Жами харажат, минг сум | режа | 581580 | 84367 | 10313,7 | 18210 | 2300 | 11750 | 10420 | 24365 | 3300 | 6022 | 31566 | |
| | хакикатда | 850199 | 116711 | | 18671 | 2300 | 6817 | 5310 | 24366 | | 6052 | 34830 | |
| Ялпи махсулот киймати, минг сум | режа | 1038907 | 137200 | 19500 | 32174 | 2300 | 18434 | 18087 | 24365 | 24000 | 6022 | 31566 | |
| | хакикатда | 1084658 | 191705 | 0 | 28322 | 2300 | 18260 | 14696 | 24366 | 0 | 6052 | 31566 | |
| Олинган фойда, минг сум | режа | 457327 | 52833 | 5936,3 | 13964 | 0 | 10250 | 11580 | 0 | 20700 | 0 | 0 | |
| | хакикатда | 234459 | 74994 | 0 | 9651 | 0 | 11443 | 9386 | 0 | 0 | 0 | 0 | |
| Рентабеллик даражаси, % | режа | 78,6 | 62,6 | 57,6 | 76,6 | 0 | 87,2 | 98,6 | 0 | 627,3 | 0 | 0 | |
| | хакикатда | 27,5 | 64,2 | 0 | 51,7 | 0 | 167,8 | 176,7 | 0 | 0 | 0 | 0 | |
| [illegible] | | 105,1 | 112,7 | | 111 | 100,0 | 100,0 | 100 | 100 | | 100 | 106,9 | |

## Чорвачиликнинг тахлили, йўл қўйилган камчилилар ва уларни бартараф этиш чоралари

- Чорвачиликда **2020** йил якуни буйича тажриба станциямиз сут ишлаб чиқариш бўйича режада **13,0** тонна бўлиб, хақиқатда **13,2** тоннани ташкил қилиб **101,5**%га бажарилди. Сут ишлаб чиқаришдан **9885,0** минг сўм фойда олинди. Бузоқ олиш **10** та булиб **8** тани ташкил қилиб режага нисбатан **80,0**%га бажарилди. Гушт ишлаб чикаришда режадаги **1,8** тонна урнига **2,6** тонна хосил олиниб **1273,0** минг сум соф фойда олинди
- **2020** қишлоқ хўжалик йилида жами даромад **1** млрд **438** млн **173** минг сўмни ташкил қилиб, жами даромад жумладан: ўсимликшуносликдан **1** млрд **337** млн **641** минг сўм, чорвачиликдан **69** млн **380** минг сўм, бошқа хизматлардан **31** млн **152** минг сўмни ташкил қилиб, жами олинган фойда **382** млн **243** минг сўмни рентабеллик **26,5** %ни ташкил қилди.
- Молиявий ахвол тахлил қилинганда, хўжаликнинг **2021** йил **1** январь холатига дебиторлик қарздорлиги **181** млн **454** минг сўмни, кредиторлик қарздорлик **154** млн **029** минг сўмни ташкил этган.
-

# Хоразм ИТСнинг 2020 йилда асосий ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиш таҳлили

| Кўрсаткичлар | | Ишлаб чиқариш тури | | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Гушт ишлаб чикариш | Сут ишлаб чикариш | Бошка даромадар (ижарадан келган даромад) | |
| Ялпи махсулот, тонна | режа | 1 | 18 | 0 | |
| | хакикатда | 2,1 | 10,8 | 0 | |
| Жами харажат, минг сум | режа | 15153 | 21750 | 0 | |
| | хакикатда | 34006 | 15680,3 | 0 | |
| Ялпи махсулот киймати, минг сум | режа | 18000 | 37500 | 0 | |
| | хакикатда | 35610 | 23790,8 | 16187 | |
| Олинган фойда, минг сум | режа | 2847 | 15750 | 0 | |
| | хакикатда | 1604 | 8110,5 | 16187 | |
| Рентабеллик даражаси, % | режа | 18,79 | 72,41 | 0 | |
| | хакикатда | 4,71 | 51,72 | 100,0 | |

ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН
РАХМАТ